O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 17-APREL ■ SHANBA ■ 47 (27.222) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 15-16 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА БЎЛДИ

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифидан асосий мақсад икки томонлама муносабатларга доир қатор долзарб масалаларни муҳокама этиш ва Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда терроргилик, экстремизм, наркобизнес каби халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашишдан иборат эди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ново-Огарёво қароргоҳида ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикрлашди. Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон — Россия муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳамкорлик тамойилларига асосланишини таъкидлади. Ҳозирги кундаги долзарб вазифа эса Президентларнинг учрашувларида эришилган натижаларни амалиётга янада кенг татбиқ этиб, муносабатларнинг мазмунини амалий жиҳатдан бойитишдан иборатдир. Икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш хусусидаги ҳамфикрлиги бунинг учун энг муҳим асослардан биридир.

Президентлар кўплаб халқаро масалалар борасида ҳам фикрдош. Бу ўзаро муносабатлар изчиллик касб этганида ҳам яққол кўринади. Ўтган йили Ислом Каримов Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига борган бўлса, Владимир Путин Самарқандга келди.

Давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари икки томон учун ҳам устувор саналган барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Алоқалар халқаро тузилмалар доирасида ҳам кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ва Россия МДҲ ва ШҲТ бўйича ҳам бир-бирига ишончли шерик. Ислом Каримов ва Владимир Путин ШҲТ фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Владимир Путин Россия Президенти лавозимига қайта сайланиши мамлакатда барқарорлик мустаҳкамлиги ва халқнинг амалдаги сиёсатга ишончи юқори эканидан далолатдир, деди Ислом Каримов. Юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ушбу мамлакатда кескин қоралангани ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш таклиф қилингани Ўзбекистон ва Россия мазкур иллатга қарши биргаликда курашишдан бирдай манфаатдор эканининг яна бир ифодасидир. Марказий Осиё ва бевосита Ўзбекистонда юз бераётган воқеаларга Россиянинг муносабати ва ёндашуви биз учун муҳим.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россиянинг стратегик ҳамкорлигини яқин орада расмийлаштиришга келишиб олинди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашга, терроргиликка қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Россия раҳбари яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Президентлар террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш юритилганда кутилган самара беришини таъкидладилар.

Ўзбекистонда рўй берган террорчилик ҳаракатларидан кейин келган телеграммалар, таъзияномалар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар терроризмга қарши курашда биз ёлғиз эмаслигимизни яна бир бор тасдиқлади, деди Ислом Каримов.

Президентлар савдо-иқтисодий алоқаларда эришилган натижаларни таҳлил этиб, келгусида бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалаларни муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Аммо Ўзбекистон ва Россиянинг имкониятлари бу кўрсаткич доирасидан анча юқоридир.

Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг ўтган йил августда Самарқандда бўлиб ўтган учрашувида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясига савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини бугунги шароит нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Шундан кейин савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Россия ёқилғи-энергетика мажмуи вакилларининг Россия Олий тоғ-кон кенгаши раиси, «Россия нефт-газ саноатчилари иттифоқи» кенгаши раиси Юрий Шафраник раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистонга келди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон — Россия иқтисодий муносабатларида ёқилғи-энергетика соҳаси устувор ўринлардан бирини тутади. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» очиқ акционерлик жамияти ўртасида стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланган. Унга биноан Россияга экспорт қилинаётган Ўзбекистон гази миқдорини 2006 йилда 10 миллиард куб метрга етказиш кўзда тутилган. Бу йил кузда «Газпром» билан ҳамкорликда Устюртдаги конларни ўзлаштиришга қаратилган 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳани тайёрлаш ниҳоясига етказилиши кутилмоқда. «Лукойл» компанияси ҳам «Ўзбекнефтгаз» билан бирга 996 миллион долларлик сармоявий лойиҳа бўйича шартномани ниҳоясига етказмоқда.

Бундан ташқари, «Алфа-Эко» компаниялари гуруҳи» масъулияти чекланган жамияти умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бир неча сармоявий лойиҳада иштирок этишга қизиқиш билдирмоқда. «Вим Биль Данн. Продукты питания» компанияси «Тошкентсут» акционерлик жамияти акцияларининг 77 фоизини харид қилиб, ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга 20 миллион доллар сарфлаш ниятида. «Промспецимпекс» компанияси эса Тошкентдаги «Фотон» очиқ акционерлик жамияти акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш борасида музокара ўтказмоқда.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка доир янгилик сифатида яқинда Москвада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолият бошлаганини келтириш ўринлидир. Тошкентда Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубежцентр») ваколатхонаси ишлаб турибди. Икки мамлакат олий ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган, бу ўз самарасини бераётир.

Президентлар мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос ва кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар. Олий даражадаги мулоқотлар, маслаҳатлашувлар ва амалий учрашувларни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида ташриф амалий мақомга эга бўлса-да, Президент В.Путин билан музокара натижаси кутилганидан кўра салмоқли бўлгани таъкидланди. Ўзбекистон ва Россия ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатлар, дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Россия Саноатчилари ва ишбилармонлари иттифоқи раиси Аркадий Волскийни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат саноат корхоналари ва ишбилармон доираларининг бевосита алоқаларини янада ривожлантириш, мазкур иттифоқ билан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Ушбу учрашув сафар самараси анча юқори бўлганлигини яна бир карра кўрсатди. Унда «Нефтяная компания «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Россия Савдо-саноат палатаси раиси Евгений Примаков қатнашгани ҳам буни тасдиқлайди.

Мамлакатимиз раҳбари ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги бош директори Виталий Игнатенкони ҳам қабул қилди. Ахборот алмашиш ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш суҳбатнинг асосий мавзуи бўлди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунига етди.

Президентларнинг ҳар бир учрашуви барча соҳаларда сезиларли юксалишлар рўй беришига олиб келаётгани аниқ. Ислом Каримовнинг Москвага бу галги сафари Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигида янги босқични бошлаб бериши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Москва — Тошкент.

## «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

**Азиз дўстлар!**

**Сизларни «Ўзбекистон металлургия комбинати» ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.**

**Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатингиз, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига қўшаётган бебаҳо ҳиссангиз учун Сиз, бирлашма меҳнат жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман.**

**Бугунги кунда мамлакатимиз эришган ютуқларда «Ўзбекистон металлургия комбинати»нинг алоҳида ўрни бор ва у саноатимиз тараққиётида белгиловчи роль ўйнамоқда. Мартен цехини ишга тушириш билан ўз тарихини бошлаган бирлашма ҳозирга келиб муттасил ривожланиб бораётган улкан корхонага айланди. Бу корхона ҳар йили амалда барча тармоқлар учун зарур бўлган 500 минг тоннага яқин тайёр прокат ишлаб чиқармоқда.**

**Бекободлик металлурглар жонажон комбинати Ўзбекистон оғир саноатининг етакчи корхонаси эканлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Айниқса ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, сизларнинг ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини фақат сақлаб қолмасдан, балки уни юксалтира олганингиз таҳсинга сазовордир. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтира бориб, ишлаб чиқариш кувватини ошириш дастурини рўёбга чиқариб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.**

**Мустақиллик йиллари мобайнида комбинат мамлакатимиз бозорида ва хорижий металл прокат ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқда. Сизлар электрда пўлат эритиш комплексини реконструкция қилиш ишларини якунлаб, энг илғор технологияларга таянган ҳолда комбинатни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни давом эттираётганингиз, ўзингизни бозор муносабатлари шароитида тобора дадилроқ ҳис этаётганингиз менга қувонч бахш этади.**

**Шулар қаторида комбинат меҳнат аҳли ўз корхонасининг Бекобод шаҳри ҳаётида ўзига хос муҳим ўрин тутишини англаб, ижтимоий соҳани ҳам изчил ривожлантириб бораётгани, аҳолининг самарали меҳнат қилиши ва яхши дам олиши учун шарт-шароитларни вужудга келтираётгани диққатга сазовордир.**

**Бу ерда ўтган йиллар мобайнида кўп миллатли аҳил, иноқ жамоа ва унда фуқаролик бурчини чуқур ҳис қилиш, уни юракдан адо этишга, Ватанга наф келтиришга интилиш каби бирлашма меҳнаткашларига хос олижаноб фазилатлар шаклланди. Шу боисдан ҳам комбинат меҳнат аҳли энг мураккаб вазифаларни уддалашга қодир бўлиб, эл-юртимиз ҳурматини қозонмоқда. Ҳозир бу ерда кўп йиллардан буён ўз тақдирини ушбу корхона билан боғлаган одамлар, меҳнат сулолалари фаолият кўрсатиб, ўзларининг юксак маънавий қадрият ва инсоний фазилатларга асосланган ҳаёт тажрибаси ва касб маҳоратини ёшларга сингдирмоқда. Жамоангизнинг ғоят катта бунёдкорлик кучи мана шунда ва бу эса янги меҳнат зафарларига эришишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.**

**Ишончим комилки, сизлар учун бугунги шонли сана — қўлга киритилган ютуқларга якун ясаш, уларни таҳлил қилиш палласи бўлиб қолмасдан, мавжуд муваффақиятларни мустаҳкамлаш, келгуси ривожланиш истиқболларини белгилаб олиш имкониятини беради.**

**Қадрли дўстлар, сизларнинг ажойиб жамоангизни яна бир бор чин дилдан самимий қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, хонадонларингизга қут-барака, эзгу ишларингизни амалга оширишда зафарлар тилайман. Сизларга омад ёр бўлсин, ҳалол ва фидокорона меҳнатингиз доимо самара ва қувонч келтирсин.**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг металлургия саноатини ривожлантириш, иқтисодий қудратини юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

**Муротов Акрамжон** — кислород-компрессор цехининг участка бошлиғи

**Руцкий Вячеслав Федорович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандис ўринбосари, муҳандислик маркази раҳбари

**Тўйчиев Алим Исмоилович** — электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси

**Хасанов Айрат Магарифович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг тижорат ва молия масалалари бўйича ўринбосари

**Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга самарали ҳисса қўшгани, металлургия саноатига илғор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштиришда эришган ютуқлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Фармонов Александр Қосимович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдураҳмонов Ботирали Исматович** — автомобиль-транспорт цехининг ҳайдовчиси

**Вильмс Пётр Яковлевич** — электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси

**Дўсматов Абдумажит Абдусаматович** — 1-навли прокат цехининг вальцовшиги

**Кишкань Любовь Ивановна** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари

**Османов Рустем Усеинович** — электрда пўлат эритиш цехи бошлиғининг ўринбосари

**Холматов Абдуазиз Абдуназарович** — қурилиш-монтаж тресті бошқарувчиси

**Йўлдошев Равшан Абдураимович** — металлургия печларини таъмирлаш цехининг ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи

(Давоми 2-бетда.)

## «КАРВОН» САЙЁҲЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

Мўйсафид Бухоро шаҳри обидаларини кўриш, унинг қадамжоларини тавоф этиш учун хориждан ҳар кун ўнлаб оилавий сайёҳлар йўлга чиқади. Улар аксарият ҳолларда дабдабали меҳмонхоналарни эмас, балки хусусий меҳмонхоналарда ҳордиқ чиқаришни хуш кўришади. Шу боис, биргина эски шаҳарнинг ўзида ўттизга яқин бир-биридан шинам меҳмонхоналар ишлаб турибди.

Яқинда Арки Олий яқинида «Карвон» хусусий меҳмонхонаси дастлабки сайёҳларни қабул қилди. Ўзига хос меъморий ечимга ва барча қулайликларга эга бўлган мазкур меҳмонхона 53 ўринли бўлиб, унда валюта алмаштириш шахобчаси, кичик алоқа маркази, спорт зали, шарқона ҳовли мавжуд.

— Меҳмонхона қуриш учун «Ғаллабанк» вилоят филиалидан 25 миллион сўм кредит олдик, — дейди унинг соҳиби, «Сарбон» фирмаси раҳбари Икром Зойиров. — Мақсадимиз хорижлик сайёҳларга Ўзбекистон, айниқса, Бухоро тарихи, маданияти, қадимий қадриятларини тарғиб қилиш.

**Даврон БАҲРОНОВ**

## МУАЛЛИМ — МУҚАДДАС СЎЗ

Навқирон кўнгилларга Ватанга садоқат туйғусини сингдирувчи, миллат шаъни-шуҳрати учун фидойи бўлишни англатувчи — бу муаллимдир.

Яқинда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 20-ўрта мактабда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган анъанавий «Йил ўқитувчиси — 2004» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 26 нафар ўқитувчи иштирок этди. Улар касб маҳорати, иш тажрибалари, топқирлиги, ижодкорлигини намойиш этишди. Танлов ҳайъатининг хулосасига кўра, 5-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Диляра Насирова ғолиб деб топилди.

Вилоят босқичига йўлланма олган муаллимнинг орзулари кўп.

— Менга юксак ишонч билдирилди. Муаллим учун бундан-да баланд мартаба, ҳурмат, эъзоз бўлмаса керак, — дейди кўрик-танлов ғолиби, Диляра НАСИРОВА. — Фарзандлар камоли йўлидаги саъй-ҳаракатларим қадрланганидан бошим кўкка етди. Менинг бундай муваффақиятга эришишимда шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси Йўлдошали Раҳмоналиевнинг хизматлари катта бўлди. Йигирма бир йилдан буён ўқитувчилик




қиламан. Муаллимликнинг машаққати оз эмас, албатта. Шу билан бирга шарафли касб эканлигини ҳам биламан. Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши муҳим воқеа ва ўқитувчилар кўнглидаги гап бўлди. Шунда мен бу касбни танлаганимдан фахрланиб кетдим.

Ниятим вилоят, республика босқичларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, ғолибликни қўлга киритиб, мактабимизни бутун республикага танитмоқчиман.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

**Суратда:** танлов ғолиби Диляра Насирова (чапда).

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ТЎЙИ

Мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқларда «Ўзбекистон металлургия комбинати»нинг ҳам салмоқли улуши бор. Мазкур корхонанинг ташкил топганйга 60 йил тўлди.

Шу муносабат билан 16 апрель куни Бекобод шаҳрида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бундан 60 йил муқаддам иш бошлаган кичкина цех бугунга келиб улкан ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди. Корхона ҳар йили халқ хўжалиги тармоқларига 500 минг тоннага яқин тайёр прокат етказиб бермоқда. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтириб, ишлаб чиқариш қувватини ошириб бормоқда.

Корхонанинг тараққиёт йўли, айниқса, мустақиллик йилларида янада ойдинлашди. Комбинат жамоаси чет элларга ҳам маҳсулот экспорт қилмоқда.

Юртбошимиз халқимизнинг бунёдкорлигини, меҳнатсеварлигини доимо қадрлаб келади ва унинг бу фазилатларини энг катта бойлигимиз, деб таърифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ корхонанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Тантанада мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Маросимда сўзга чиққанлар меҳнат аҳлига кўрсатиб келаётган доимий ғамхўрлиги учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА)**

*Газетада босилмади, аммо...*

## ЖИНОЯТ ИШИ ҚАЙТА КЎРИЛАДИ

**Таҳририятимизга Олмаликдан хат йўллаган М.Рустуллаев ўзига қарашли «Гермес» хусусий кичик корхонасининг молиявий хўжалик фаолиятини текширишда бир ёқламаликка йўл қўйилгани, Олмалиқ шаҳар судининг ҳукмини вилоят суди ўзгаришсиз қолдирганидан норози экани ҳақида ёзган эди. Унинг шикоят хати республика Олий судига юборилганди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда шундай дейилади:**

«Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2003 йил 7 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисмининг «б» банди ва бошқа моддалар билан судланган М.Рустуллаевга нисбатан жиноят иши юзасидан Тошкент вилоят судининг раёсатига суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юбориш масаласида протест билдирилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов Ҳайъати раисининг ўринбосари Н.НАРМУРАДОВ»**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

QUVAMEBEL
«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

# «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Аблязизов Эдем Решатович** — 2-навли прокат цехи бошлиғининг янги технологияларни жорий этиш бўйича ўринбосари

**Агнивин Павел Владимирович** — электрда пўлат эритиш цехининг катта устаси

**Арипов Вячеслав Сафаидович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий лабораторияси бошлиғи

**Бадалов Суннат Сайдуллаевич** — 1-навли прокат цехи бошлиғи

**Ёқубов Карим Ғофурович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош иқтисодчиси

**Ким Трофим Владимирович** — электрда пўлат эритиш цехи бошлиғининг механик асбоб-ускуналар бўйича ўринбосари

**Капленко Сергей Трофимович** — назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика цехининг катта устаси

**Копа Николай Валентинович** — 2-навли прокат цехи вальцовшиги

**Курносова Лидия Ивановна** — алоқа ва технологик бошқарувни марказлаштириш цехининг электр монтёри

**Лысенко Александр Семёнович** — электротехника лабораториясининг электр монтёри

**Мадалиев Баҳодир** — мартен цехининг устаси

**Миркурбонов Миркамол Акбарович** — «Тошкент иккиламчи қораметалл» Сирғали цехи кесувчиси

**Халибаев Асан Джепарович** — 1-механика-таъмирлаш цехининг таъмирловчи-чилангари

**Чекалова Людмила Павловна** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-болалар боғчаси мудираси

**Шуваев Борис Яковлевич** — 1-навли прокат цехи бошлиғининг ўринбосари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Баратов Умид Усанбаевич** — 2-навли прокат цехининг вальцовшиги

**Дранников Григорий Алексеевич** — 1-навли прокат цехининг оператори

**Завьялов Николай Петрович** — мартен цехининг электр монтёри

**Коровин Владимир Ильич** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандислик марказининг техника бошқармаси бошлиғи

**Қодиров Маҳаматхон** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббий-санитария қисмининг врач-отоларингологи

**Мамарасулов Каримжон Раҳматович** — 2-навли прокат цехининг электр монтёри

**Ниёзалиев Матмурод** — темир йўл цехининг тепловоз машинисти

**Ниёзматов Салимбой Шерматович** — электрда пўлат эритиш цехининг таъмирловчи-чилангари

**Содиқова Шакархон Ибрагимовна** — халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг сирловчиси

**Турсунбоев Зокирхон Умарович** — Бекобод саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Тё Виктор** — техник ўлчов асбоблари лабораториясининг бошлиғи

**Хидиралиев Фозилжон** — 1-навли прокат цехининг таъмирловчи-чилангари

**Ҳусаинов Ҳаким** — 1-навли прокат цехининг вальцтокари

**Ҳамроев Рамазон Исанович** — автоматлаштириш ва механизациялаштириш марказий лабораториясининг чилангар-механик йиғувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 14 апрель

**2004 йил — Меҳр ва мурувват йили**

# МЕРОСХЎРЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Андижон шаҳрида яшовчи ёш оила уйидан ёнғин чиқади. Фалокат тунда юз берганди, ёш эр-хотин уйғонишганда даҳшатли олов аланга олиб, газ баллони портлаб кетади. Ҳушсиз ҳолатдаги уй эгалари шифохонага олиб борилади. Афсус, уларнинг ҳаётини асраб қолишнинг иложи бўлмайди...

Марҳум эр-хотин оилавий турмуш даврида уй-жой қуриш ва автомашина сотиб олишга улгуришганди. Албатта, уларга ота-оналари ҳам моддий ёрдам кўрсатишган. Шу сабабли ҳар икки томоннинг ота-оналари меросни бўлишиш ҳуқуқига эга. Улар судга мурожаат этиб, ўз улушлари ундириб берилишини сўрашган. Суд эса ҳайрон. Мерос қайси бир томонга очилиши керак? Негаки, ўша пайтда 1996 йил амалда бўлган қонунларга кўра ота-она биринчи навбатдаги меросхўр ҳисобланмасди. Биринчи навбатдаги меросхўр қаторига фақат эр (хотин), фарзандлар, фарзандликка олинган болалари киритиларди. Ота-оналар эса иккинчи навбатдаги меросхўр бўлишарди. Ёнғин оқибатида ҳаётдан кўз юмган ёш эр-хотиннинг ҳали фарзанди ёки боқиб олган боласи йўқ эди.

Шу ҳолат бўйича биз вафот этган эр-хотиннинг шифохонадаги ҳаёти билан қизиқдик. Тиббиёт ходимларининг қонуний ҳужжати бўйича, эркак киши биринчи бўлиб вафот этгани таъкидланган, аёл эса ундан кейин ҳам яшаган. Бироқ, кўп вақт ўтмай у ҳам оламдан ўтган. Амалдаги қонунлар бўйича келин томон меросхўр бўлиб чиқди. Куёв томон эса ҳеч нарсага эга чиқишаолмади. Афсус... Ўйласам, юрагим ачишади. Улар жигарбандидан айрилишгани етмагандек, ундан қолган мол-мулкдан ҳам ҳисса олишолмаганди. Кўп вақт улар томонидан «ёз»-«ёз»лар бўлди. Лекин қонун қонун-да.

Муҳтарам Президентимиз раҳномалигида мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган, жаҳон андозаларига мос келадиган, бозор иқтисодиёти талабларини ўзида мужассам этган инсон ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати, унинг шаънини ҳимоя қиладиган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда. 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалда қўлланаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидаги қоида ва моддалар ҳаётийлиги ҳамда мукаммаллиги билан халқимизга жуда ҳам маъқул келмоқда.

Шу ўринда яна юқоридаги мерос муаммосига қайтайлик. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1135-моддасида қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар кимлиги аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Эндиликда мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, эр-хотин ва ота-онаси, фарзандликка олувчилар тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар. Демак, янги таҳрирдаги кодексда фарзанд қолдирган меросдан ота-оналарнинг манфаатдорлиги ҳам кўзланган. Ҳозирда эса мерос тақсимотида ҳар қандай шароитда ҳам ота-онанинг улуши мавжуддир. Илгари эса эрнинг улуши ҳам хотинга ўтганди. Ёки акси бўлган.

Яна бир эътиборли янгилик устида тўхталайлик. Илгари фақат биринчи ва иккинчи навбатдаги меросхўрлар бўларди, холос. Марҳумнинг шундай тоифага кирувчи ўта яқин қариндошлари бўлмаса, мулки давлат ихтиёрига ўтказиб юбориларди. Айни чоғда ундай эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 68-боби 1134-, 1135-1136-, 1137, -,1138-, 1139-, 1140-моддаларида қонун бўйича бешта навбатдаги ворислик белгиланган. Ҳатто 1140-моддада тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос олгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутади. Бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади. Бу моддада бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади. Ҳатто ён қариндошлик бўйича меросхўрликда тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччa (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар. Демак, амалдаги қонунларимиз кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат ва қариндош-уруғчиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Энди меросининг очилиши жойи тўғрисида ҳам қисқача тушунча бериб ўтайлик. Фуқаролик Кодексининг 1117-моддасига асосан мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар меросхўр бўладилар. Шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр ҳисобланиши мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан марҳум мерос қолдирувчининг қарамоғида камида бир йил яшаган меҳнатга қобилиятсиз фуқаро мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга. Мерос қолдирувчи тириклик чоғида кимгадир васиятнома қолдирса-ю, бироқ васиятномага киритилмаган вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз боласи, фарзандликка олган болалари, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, фарзандликка олган кишилар васиятноманинг мазмуни ва кимга қаратилганидан қатъи назар меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай таҳрир ҳам мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида кучли ижтимоий адолат қарор топишига хизмат қилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир меросхўрнинг манфаатини адолатли қонунларимиз қатъий тарзда ҳимоя қилади. Уларнинг ҳар бирига, бир сўз билан айтганда, меҳр-мурувват ва оқибат кўрсатади. Ахир меҳр бор жойда уруш-жанжалга, ўзаро баҳс ва тортишувларга ҳам ҳожат йўқ.

**Барчиной ТОЖИБОЕВА,**
**фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг раиси**

# МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда «Ахборот эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари» мавзуида минтақавий семинар ўтказилди. Унда маҳаллий газета, радио ва телевидение журналистлари, СамДУ филология факультети ўқитувчи ва талабалари ҳамда жамоатчилик иштирок этди. Анжуманда Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов сўзга чиқиб, оммавий ахборот воситаларига оид қонунлар ва матбуотни эркинлаштириш мавзуида маъруза қилди.

Шундан сўнг, вилоят оммавий ахборот воситаларининг фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Олди-қочди ва миш-мишларга асосланган айрим газеталар танқид остига олинди.

Айни пайтда Пастдарғом ҳамда Каттақўрғон туман ҳокимликларининг газеталари бор-йўғи 400-500 нусхада чиқаётгани ачинарли. Тадбирда бу ердаги хато-камчиликларни бартараф этиш, газеталар фаолиятини кучайтириш борасида керакли тавсия ва таклифлар ўртага ташланди.

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раисининг ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммад, Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократиялаштириш жамғармаси вилоят бўлими раиси Фармон Тошевлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ФЕРМЕРЛАРГА ТРАКТОРЛАР

Республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»ининг минтақавий Навоий филиали деҳқон ва фермерларга лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникалари олиб беришни йил сайин кўпайтирмоқда. Банк жамоаси ўтган йили Хатирчи ва Навоий туманлари деҳқонларига 2 та чопиқ трактори олиб беришган бўлса, жорий йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида Навбаҳор ва қизилтепалик фермерларга 3 та «ТТЗ-80-11» ҳамда «ТТЗ-30-БВ» русумдаги техника воситалари олиб беришди. Натижада мазкур туманлардаги «Қудрат бобо» номли, «Янги ҳаёт», «Избосар» фермер хўжаликларининг оғири енгил бўлди.

— Йил охиригача ва шунга ўхшаш техника турларидан фермерларга яна 10 тасини олиб берамиз, — дейди «Ғаллабанк» вилоят бўлими бошлиғи Нодиржон Каримов.

**Музаффар ШАРОПОВ**

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Ўзбекистон ХДП Қўқон, Навоий шаҳар, Деҳқонобод туман кенгашлари**нинг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда мазкур партия ташкилотларининг ХДП МК VII пленуми қарорларидан ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан келиб чиқадиган вазифалари, ХДП кенгашларининг ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг 2003 йилги фаолияти, БПТнинг «Меҳр ва мурувват йили» дастурини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлари ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди. Булар тўғрисида Қўқон, Навоий шаҳар, Деҳқонобод туман партия кенгашларининг биринчи котиблари З.Ҳошимова, У.Мусаев, А.Норбоевларнинг маърузалари тингланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Қўқонда Олий Мажлис депутати З.Охунова, Навоийда шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Р.Ҳакимова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб, партия ташкилотларининг режалари юзасидан таклифларини билдирдилар.

**ХДП Урганч туман кенгаши** партия ташкилотлари етакчилари иштирокида ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга бағишланган семинар-кенгашини ўтказди. Йиғилишга ХДПдан сайланган депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф қилиндилар. Партия кенгаши биринчи котиби Х.Ваисчанов бу муҳим сиёсий мавсумга пухта тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш масалаларига тўхталиб ўтди. Семинар-кенгашда БПТ котиблари тажриба алмашдилар.

PROJEKT HOPE лойиҳаси — жаҳондаги энг йирик фондлардан бири бўлиб, асосан Қўшма Штатларнинг Халқаро Ривожланиш Агентлиги кўмагида иш олиб боради. Ушбу лойиҳа мамлакатимизда бир неча йилдан буён оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича фаолият кўрсатмоқда.

2003 йилнинг январь ойида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ушбу лойиҳа ўз филиали «Соғлом оила» лойиҳасини ташкил қилди. PROJEKT HOPE лойиҳаси Америка Қизил Хоч ташкилоти FUTUREC GROUP JHPLEGO кўмагида иш олиб боради. Бу марказларни ташкил қилишдан мақсад жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг репродектив саломатлик, кўкрак сути билан боқиш, болалар касалликларини интеграциялашган усулда олиб бориш, оналик бўйича дастурларини ушбу иккала вилоятга сингдиришдир. «Соғлом оила» лойиҳаси ўз иш фаолиятини Қашқадарё вилоятининг шароити оғир бўлган Чироқчи, Деҳқонобод, Касби туманларида олиб бормоқда. Бир йиллик иш фаолияти давомида ушбу лойиҳа вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига 2003 йилнинг май ойида 20 турдаги 400 кг.лик дори-дармонларни тиббиёт муассасаларига тарқатиш учун, шу йили июль ойида эса вилоятда болаларни гепатит В га қарши эмлаш учун 30 000 (ўттиз минг) болага мўлжалланган 90 000 (тўқсон минг) доза олиб келинган бўлса, жорий йилнинг январь ойида 108.766 АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар шароити оғир бўлган юқоридаги ҳар учала туманларнинг туғуруқхоналарига тарқатиш учун топширилди.

— 2004 йилда ҳам бир қанча режаларимиз бор, — дейди «Соғлом оила» лойиҳасининг Қашқадарё вилояти бўйича корденатори Йўлдош Эшонқулов. — Юқоридаги ҳар учала туманларнинг ҳамда Қарши шаҳридаги акушер-гинекология илмий текшириш институтининг туғуруқ комплексларини жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Болага дўстона муносабатда бўлиш клиникаси» сертификатини олиб бориш.

✧✧✧



**Суратда:** PROJEKT HOPE лойиҳаси Қашқадарё вилояти бўйича координатори(чапда) Йўлдош Эшонқулов Чироқчи тумани марказий шифохонаси бош шифокори Холиёр Қодировга «Пентум-4» компьютерини топширмоқда.

**Абдурасул ПАРДА олган сурат**

# ЎДАБОЕВ КИМЛАРГА ЁҚМАЯПТИ?

## ЁХУД ХДП БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КОТИБИ, ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ФАОЛ, ИШЧАН БЎЛГАНИ УЧУНМИ ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛИБ, САРСОН-САРГАРДОН ҚИЛИНАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Аввало, 2003 йилнинг август ойи бошида Шовот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига фуқаро Раҳмон Ўдабоев томонидан киритилган «Даъво ариза»га бир қулоқ тутайлик.

**«...1998 йилдан бошлаб Шовот туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигида бош иқтисодчи вазифасида ишлаб келаётган эдим. 03.07.2003 йилдан мени ширкат хўжалиги бошқаруви раиси буйруқ билан эгаллаб турган вазифамдан бўшатди. Мазкур буйруқда ишдан бўшатилишимга сабаб қилиб ширкат хўжалиги бошқарув ҳайъатининг 01.03.2003 йилдаги йиғилиш баённомаси асос қилиб кўрсатилган. Баённомада «ўзининг розилигига асосан ишлаб турган лавозимидан озод қилинсин», деган банд бор...**

**Тубандаги ҳолатларга кўра, мени ўз вазифамдан қонунга хилоф равишда бўшатишган, деб ҳисоблайман. Авваламбор, мен ҳеч қачон эгаллаб турган вазифамдан бўшашга розилик берган эмасман. Баённомада бошқарув ҳайъати ўн бир кишидан иборат бўлиб, унда саккиз киши қатнашган, деб кўрсатилган. Унда менинг фамилиям ҳам бор. Аммо мен қатнашмаганман.**

**Ширкат хўжалиги низомига мувофиқ бошқарув ҳайъати мажлисини очиш учун аъзоларнинг учдан икки қисми қатнашиши шарт. Бу саккиз кишини ташкил қилади. Демак, бошқарув ҳайъати мажлисини ўтказиш учун белгиланган кворум бўлмаган...**

**... Юқоридаги ҳолатларга асосан «Соҳибкор» ширкат хўжалигининг 03.07.2003 йилдаги буйруғини бекор қилиб, мени ўз вазифамга тиклашингизни сўрайман...»**

Мазкур «Даъво аризаси» Шовот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида ўтган йилнинг август ойида кўриб чиқилди.

Қизиғи, судда жавобгар томон — «Соҳибкор» ширкат хўжалиги вакили Озод Жуманов 01.03.2003 йил куни бошқарув йиғилиши амалда бўлмагани, ўзи ҳамда касаба уюшмаси раиси ҳам йиғилишда қатнашмагани, Ўдабоев томонидан бошқа ишга ўтказишга розилиги тўғрисида ариза берилмагани, буйруқ нотўғри чиқарилганини... лекин хўжалик аъзоларининг талаб-истакларидан келиб чиқиб, Ўдабоевнинг ишдан бўшатилгани ҳақда тушунтириш хати берган.

Хуллас, хўжалик вакили орадан йигирма етти кун ўтгач, берилган «баённома»нинг сохталигини тан олди.

Суд даъвогар Раҳмон Ўдабоев фойдасига етказилган моддий зарар учун ўттиз минг сўм, маънавий зарар учун ўттиз минг сўм «Соҳибкор» ширкат хўжалиги раиси Р.Маткаримовдан ундирилиши ҳамда ноқонуний бўшатилган Ўдабоевни ўз вазифасига тиклаш ҳақида қарор чиқарди ва қарор дарҳол ижрога қаратилиши белгиланди.

Суд қарори 2003 йилнинг 3 сентябрида ижро қилинди. Ўдабоевга икки ойлик иш ҳақи ундириб берилди ва... ишга қайта тикланган бош иқтисодчи Р.Ўдабоев шу муддатдан тағин ишдан бўшатилди. Бунга гўёки ширкат хўжалигининг тугатилиши асос қилинади. Бу орада жавобгар томон фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига апелляция тартибида шикоят ариза киритди. Апелляция судлов ҳайъати 2003 йилнинг 14 октябрь куни аризани кўриб чиқиб, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни қайта кўриш учун юборади.

Бу иш Шовот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида 2003 йилнинг ноябрида кўриб чиқилди. Сўнг орадан икки ой ўтгач фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатида муҳокама қилинди ва ишга сўнгги нуқта қўйилди. Яъни: **«Даъвогар Ўдабоев Раҳмоннинг ишга қайта тиклаш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилсин. Қарорни бажариш «Соҳибкор» ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун тузилган қайта ташкил этиш комиссияси ва фермер хўжаликлари уюшмаси зиммасига юклатилсин».**

«Ушбу хўжаликда йигирма йилдан ошиқроқ ишлаб келмоқдаман. Аслида менинг бу қадар сарсон бўлишимга хўжаликка янги тайинланган раис Р.Маткаримов сабабчи. У бир қараганда ўз мақсадига эришди — «Сени қайта ташкил қилиш комиссиясига киритмайман. Хўжаликни ўзим билгандек тақсимлайман» деганди...»

Р.Ўдабоевнинг фикрини кейинги суд жараёнлари ҳам тасдиқлаб турибди. Шовотдаги суд мажлиси ҳам, вилоят апелляция судлов ҳайъати мажлиси ҳам жавобгар томон вакилисиз ўтди. Р.Маткаримов учун суд дегани ҳеч нимани англатмайдими, иш кўрилаётганда неча марта хабар қилинишига қарамасдан на судда ўзи қатнашди, на вакил юборишни маъқул топди. Бу «суд нима деса десин, мен барибир ўз билганимни қилавераман» деганими?

Ўзибилармон раис юқорида эслатганимиз — аслида бўлиб ўтмаган бошқарув ҳайъати йиғилишида ҳам ўз айтганини қилган. Р.Ўдабоев унинг талабига кўра «тижорат ишлари бўйича бош мутахассис» лавозимига ўтказилган. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1998 йил 14 январдаги буйруғига кўра тасдиқлаган ширкат хўжалиги штат жадвалида «тижорат ишлари бўйича бош мутахассис» лавозимининг ўзи йўқ. У Р.Ўдабоевни негадир йўқ ўринга муносиб кўрган...

Р.Маткаримовнинг «кўнглига келганини» қилишини тасдиқлайдиган яна бир ҳолат. 2003 йил 23 июнь куни ширкат хўжалиги бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтган. Унда ҳам айнан Р.Ўдабоевнинг ишда қолиш-қолмаслик масаласи кўриб чиқилган. Ширкат хўжалиги бошқаруви кенгайтирилган йиғилиши қарорига кўра «... бош иқтисодчи Р.Ўдабоев ўз лавозимида қолдирилсин» дейилган. Орадан бирор ҳафта ўтгач эса... бошқарув ҳайъати (аслида раиснинг ўзи) Р.Ўдабоевни энди лавозимидан бўшатиш ҳақида қарор чиқарди — ўзи хонлик шунча бўларда!

... Биз ушбу мақолани ёзиш жараёнида туман ҳокимлигида ҳам бўлдик. Ҳокимликда «Р.Ўдабоев масаласи» деярли бир томлик папкага жойланган. Р.Ўдабоев фаолиятидан норози бўлиб турли идораларга хатлар жўнатаётган уч-тўрт фуқаролар бор экан. Уларнинг аризалари неча марта текширилган, ундаги гаплар асосини топмагани учун эътиборсиз қолдириб келинган. Нимагадир хаёлимиздан ушбу шикоятлар ортида ҳам Р.Маткаримов турмаганмикин, деган фикр ўтди. Ахир бундай тасодифий фикрга асос бор-да, тўғримасми?

Ширкат аъзолари билан ҳам суҳбатлашдик. Уларнинг баъзилари Р.Ўдабоевнинг ўз вазифасини яхши бажариб келаётган принципиал ходим эканлигини тан олишади. «Бешмерган» қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан Р.Ўдабоевга берилган тавсифномадан парчалар:

«... Р.Ўдабоев ширкат хўжалигида ХДП бошланғич партия ташкилоти котиби. 1999 йилдан буён туман кенгаши депутати... Ширкат хўжалигининг иқтисодий ривожланишида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Аҳолининг иқтисодий-ижтимоий масалаларини ечишда етакчи кадр ҳисобланади. Аҳолининг талаб ва истакларига, таклиф ва мулоҳазаларига депутат сифатида ижодий ёндашади...» ва ҳоказолар.

Бундан беш йил муқаддам вилоятда маънавият ва маърифат хоналари ташкил қилишдек хайрли иш бошида ХДП вилоят кенгаши турганди. Ўшанда «Соҳибкор» ширкат хўжалигида ташкил қилинган маънавият ва маърифат хонаси вилоят бўйича ибратли деб топилиб, намунавий хона вазифасини ўтаганди. Умуман олганда партия ташкилоти котиби ва депутат сифатида Ўдабоевнинг фаолиятидан нуқсон топиш қийин. Гарчи булар жамоатчилик ишлари бўлсада, унга виждонан ёндашиб келаётир.

Хўжаликнинг бир меҳнат фахрийси қизиқ гап айтди: «Ўдабоев ишчан йигит. Тўғри, баъзида қизиққонлик қилиши ва раҳбарларнинг катта-кичиги демасдан юзидан олишдек одати бор. У ширкат хўжалиги ташвиши билан яшаяпти. Аммо, бир йил муқаддам туман ҳокими томонидан «осмондан тушгандек» тайин қилинган раис уни бошдан ёқтирмай қолди. Балки баъзи ишларга ҳалақит бергандир. Ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантиришдек муҳим жараёнда маҳаллий кадр сифатида Р.Ўдабоевнинг фикри-таклифлари салмоқли бўлиши ва кўпчилик аризалар ижобий ҳал қилиниши мумкин эди. Раис эса айнан шуни истамаган. Унинг ишдан олиниши ва саккиз ойлаб судма-суд юриши туфайли Ўдабоев ана шу эл кишилари учун ҳаётий долзарб ишда қатнаша олмади. Бу билан раис ва унинг ортида турганлар мақсадига эришдилар... Ҳамма гап ана шунда».

Бу фикрнинг қай даражада тўғри-нотўғрилигига кафолат бера олмаймиз. Лекин партия фаоли, халқ томонидан мунтасил депутат қилиб сайланиб келинаётган ишчан кадрнинг «кимларгадир ёқмай қолгани» бор гап. Воқеалар ривожи айнан шуни кўрсатиб турибди.

... Ширкат хўжалиги баҳсу можаро билан фермер хўжаликларига тақсимланди. Ана шу хўжаликни оёққа турғазишда кўп меҳнати синган Р.Ўдабоев энди суд ижросини ким бажаради, деб ҳайрон юрибди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# АРМИЯГА КИМЛАР БОРАДИ?

## ЁКИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қуролли Кучлар сафида ўзларининг конституциявий бурчларини шараф билан адо этган йигитлар жорий йилнинг апрель-май ойларида ота-оналари бағрига йўл олади, уларнинг ўрни эса янги соғлом, бақувват ўғлонлар билан тўлдирилади.

Айтиш жоизки, баъзи ота-оналар Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни талабларидан тўлиқ хабардор бўлмаганлиги туфайли фарзандининг армияга чақирилиш муддатини кечиктириш ёки муддатли ҳарбий хизматдан қолдиришни илтимос қилиб, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларига ёки бошқа идораларга мурожаат қилишади. Шунинг учун муддатли ҳарбий хизматга чақириш, чақирувни кечиктириш қоидалари тўғрисида армияга навбатдаги чақирув пайтида фикр юритишни ўринли, деб билдик.

Чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддати туман (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарори асосида уларнинг оилавий шароити, саломатлигига кўра, ўқишни давом эттириши учун кечиктирилиши мумкин.

Чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини оилавий шароитга кўра кечиктириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) чақирилувчининг ота-онаси меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уларни боқиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли вояга етган ўғли бўлмаса. (Ота-онанинг меҳнатга қобилиятсизлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади);

2) чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса;

3) чақирув кунида чақирилувчининг туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;

4) чақирилувчининг онасиз тарбияланаётган вояга етмаган бир фарзанди бўлса;

5) чақирилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирон хотини ва вояга етмаган икки ёки ундан ортиқ фарзанди бўлса.

Чақирилувчининг ота-онаси вафот этганлиги, улар узоқ муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра камида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган чақирилувчилар, шунингдек, олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлагунларига қадар кечиктирилади.

Таълим муассасаларидан ўқишдан чиқарилган шахслар чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Чақирилиш муддатини кечиктириш асосларини йўқотган чақирилувчилар, шунингдек, турли сабабларга кўра муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилмаган шахслар чақирилиш куни йигирма етти ёшга тўлгунига қадар Қуролли Кучлар сафига навбатдаги чақирув пайтида чақириладилар.

**Муддатли ҳарбий хизматнинг муддати ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун тўққиз ой).**

**Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан қуйидаги шахслар озод этиладилар:**

1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз, деб топилган чақирилувчилар;

2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;

3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Иккинчи бандда кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ҳамда хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар уларнинг диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга бўладилар.

Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади.

Армияда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг бурчи. Аскар бўлиш эса шараф. Шу боис ҳам Қуролли Кучларимиз нуфузи кундан-кунга ортиб бораётир.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ,**
**Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия майори**

**Ватан ҳимояси — олий шараф**

# СОҒЛОМ ЙИГИТ — ЮРТ ҚАЛҚОНИ

Бухоро вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш масаласига урғу берилди.

Ҳақиқатан ҳам Ватанимиз тинчлиги ва ҳимоясини таъминлашда армиямизга соғлом ҳамда бақувват, маънавияти юқори йигитлар керак. Шунинг учун бу ишга мутасаддилар мазкур масалага янада жиддийроқ ёндашишлари зарур. Хўш, бу борада ўтган йилги кузги чақирувдан қандай хулосаларга келинди? Бу ҳақда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Т.Аҳмеджонов шундай деди:

— Кузги чақирувда муайян ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажаришда айрим нуқсонлар кўзга ташланди. Олот, Қоракўл туманларида чақирув комиссиялари ишида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўз-ўзини бошқарув органлари вакиллари фаолияти кўзга ташланмади. Ҳолбуки, қишлоқда вояга етган болалар, уларнинг яшаш шароити мазкур ташкилотлар жамоаларига беш бармоқдек аён.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳамма туманлардаги чақирув масканларида ҳам бўлажак аскарларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун етарли шарт-шароитлар яратилган деб бўлмайди. Бухоро, Вобкент, Пешку туманлари чақирув пунктларида тиббий жиҳозлар етишмайди. Ёки Жондор, Қоракўл туманларида тиббий жиҳозлар билан таъминланиш даражаси 46-48 фоизни ташкил этиши ҳам чақирув масканларида муаммолар бисёрлигини исботламайдими? Бухоро, Вобкент туманлари мудофаа ишлари бўлими бинолари замон талабларига тўла жавоб бермайди. Шароит етарли, тиббий анжомлар таъминоти кўнгилдагидек бўлмагач, йигитларни тиббий кўрикдан ўтказишда ҳам юзакичиликка йўл қўйилиши турган гап. Мана бу мисоллар фикримизни исботлайди. 2003 йил кузги чақирув пайтида вилоят тиббий комиссияси саломатлиги талабга жавоб бермагани учун 1283 нафар йигитни ортига қайтарган. Биргина Шофиркон туманидан вилоят чақирув масканига юборилган 148 нафар йигит саломатлиги талаб даражасида бўлмагани боис уйига қайтарилган. Мазкур туманда фаолият кўрсатиб келаётган чақирув маскани тиббий комиссияси жамоаси ўз ишига совуққонлик билан қараётгани эмасми бу?

Маълумки, ҳар бир туман ёки вилоят чақирув масканлари ҳузуридаги тиббий комиссия аъзолари савияси юқори бўлсагина қусурлар барҳам топади. Ҳолбуки, айрим туманлардаги комиссия таркибида олий тоифали врачлар жуда оз. Аммо, вилоятда бу борада етарли имконият мавжуд. Фақат вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидагилар ҳафсала қилсалар бас — муаммо ҳал бўлади-қолади.

— Ҳозир баҳорги чақирув маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ўқув даргоҳлари, «Маҳалла», «Камолот» ва бошқа жамоат ташкилотлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклашини ҳис этишнинг ўзи умумишга қўшиладиган ҳисса салмоғини белгилайди, — дея таъкидлади вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати С.Ҳусенов. — Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тантанали равишда кузатиб қўйишда миллий қадриятларимиздан ўринли фойдаланишимиз даркор.

Ҳа, ҳарбий хизматга отланган йигитларга маҳалла оқсоқоллари жамоа олдида оқ фотиҳа берса қандай яхши. Ёки хизмат бурчини ўтаб, ота-онаси бағрига қайтган ёшларга меҳрибонлик кўрсатилса, ишга жойланса, бу хайрли иш эмасми? Бу ёш авлодни ўз Ватанига садоқат, халқига муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



XORIJDA

## МАМЛАКАТДАН ЧИҚИБ КЕТИШНИ РАД ЭТИШДИ

ИТАР-ТАСС маълум қилишича, Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 3 та самолёти шартнома бўйича Ироқда ишлаётган 360 нафар кишини вазият кескинлашганлиги боис мамлакатдан кўчириб кетиш учун Бағдодга борди.

Аввалига умумий ҳисобда 816 кишини (шундан 553 нафари россиялик мутахассислар, 263 нафари МДҲ паспортларига эга фуқаролар) Ироқдан олиб чиқиб кетиш мўлжалланган эди. Бироқ у ерда вазият қалтис бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилиги мамлакатда қолишга қарор қилган.

Россиянинг «Интерэнергосервис» компаниясининг ижрочи директори Александр Рибинскийнинг айтишича, компаниянинг Ироқда фаолият кўрсатаётган 365 ходимидан атиги 50 нафаригина Россияга кетишга кўнган. Қолганларнинг барчаси, гарчи яқинда, аниқроғи, 12 апрелда улардан 8 нафарини қуролланган гуруҳ ўғирлаб кетиб, гаровга олган бўлишига қарамай, Ироқда қолишга, фаолиятини давом эттиришга қарор қилган (Гаровдагилар 24 соатдан сўнг озод этилган).

Расмий маълумотларга қараганда, Ироқда ҳозир 600 нафар россиялик бор, шундан 37 нафари элчихона ходимлари.

Дарвоқе, Россиянинг Бағдоддаги дипломатик миссияси ўз фаолиятини одатдагидек давом эттираверади.

## ВИТАМИНЛАР ЕТИШМАГАНЛИГИ БОИС...

БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ эълон қилган маълумотларда қайд этилишича, истеъмол қилаётган озиқ-овқат ва минералларда витаминлар етишмаслиги боис Ер юзида 2 миллиард киши руҳий носоғ ёки ақли заифдир.

80 та мамлакатда олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, йилига камида 1 минг аёл камқонлиги сабабли дунёдан кўз юммоқда. Аёлларнинг ҳомиладорлик даврида организмида йод етишмаганлиги боис 20 миллион бола ақли заиф туғилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда яшаётган болаларнинг 40 фоизида А витамини етишмаслиги қайд этилган. Бу организмнинг ҳимоя механизми кучсизланиши билан характерланади. Айнан шу иммунитетнинг камайиши йилига 1 миллион боланинг нобуд бўлишига олиб келмоқда, дейилади ВВС ахборотида.

**Шарҳ**

# КИПР: РЕФЕРЕНДУМ АРАФАСИДА

Кипр ороли аҳолиси жиддий синов арафасида турибди. 24 апрель куни оролда икки жамоали ва икки зонали федерация асосида Кипрни бирлаштириш тўғрисида референдум ўтказилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан томонидан тақдим этилган бу режа бундан икки ҳафта олдин оролда яшайдиган грек ҳамда турк жамоалари раҳбарларига маъқул бўлган эди. Шунингдек, бу режага Греция ҳамда Туркия бош вазирлари ҳам қаршилик кўрсатишмади. Демак, энди халқнинг розилиги зарур. Халқ нима деса шу бўлади.

Маълумки, Кипр 1960 йилгача Буюк Британиянинг мустамлакаси эди. Мустақилликка эришиб, энди тараққиёт йўлига кирганида тўнтариш туфайли Грецияда ҳокимият тепасига келган кучлар уни босиб ва қўшиб олишни ният қилдилар. Кипр ҳудудий жиҳатдан Грециядан кўра Туркияга яқин. Шунинг учун Туркия хавфнинг олдини олиш мақсадида оролнинг турклар яшайдиган шимолий қисмига қўшин киритди. Шунга ҳам мана ўттиз йил бўлди. Шундан бери Кипр давлати иккига бўлиниб қолди. Бўлиниш пайтида 180 минг грек ва 20 минг турк қочоқлари пайдо бўлди. Чунки, жон сақлаш учун греклар жанубга қараб қочишса, турклар шимолга қараб қочишди. Ўшанда НАТОнинг иккита аъзоси — Греция ва Туркия ўртасида уруш чиқиш хавфи пайдо бўлган эди.

Ўттиз йиллик можаро ҳали ўз ечимини топгани йўқ. Уюштирилган кўплаб учрашувлар, резолюциялар ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Ҳозир битта орол, битта давлатдаги иккита жамоа бир-бирига душман ҳолатда яшаб турибди. Бундай ҳолат узлуксиз давом этиши мумкин эмас. Бундан икки ҳафта олдинги келишув бу мураккаб муаммонинг ечими учун йўл очган эди. Не ажабки, бугун вазият бошқача тус олмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг масалани тинч йўл билан ҳал қилиш режаси атиги икки ҳафта олдин Кипр Республикаси Президенти Тассос Пападопулос ҳамда Шимолий Кипр ҳукумати раиси Мехмет Талат томонларидан умуман маъқулланган бўлса, бугунга келиб Пападопулоснинг ўзи кипрлик грекларни бу режани маъқулламасликка даъват этмоқда. Шимолий Кипрнинг биринчи раҳбари Рауф Денкташ ҳам масалага шундай ёндашмоқда. Бундай аҳволда референдум ўтказилган тақдирда ҳам томонлар БМТнинг режасига қарши овоз беришлари мумкин.

Хўш, олдинги келишувда томонлар нималар тўғрисида муроса йўлини топишган эди-ю, кейинчалик нега бир-бирларига нисбатан даъвогарлик йўлини танладилар?! Кофи Аннан тақдим этган режада турклар эгаллаб турган ҳудудни 37 фоиздан 29 фоизга камайтириш ҳамда 120 минг нафар грек қочоғини жойларига қайтариш кўзда тутилган. Ягона парламентнинг юқори палатасида иккита жамоадан тенглик асосида бирдай вакиллар бўлади. Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлмагунча унга қарашли ҳарбий қўшинларнинг бир қисми оролнинг турклар яшайдиган қисмида қолади. Референдум муваффақият қозонган тақдирда томонларнинг бирлашиш жараёнлари бошланиши мумкин. Шу билан бирга, бу халқаро миқёсда ҳам ижобий акс-садо берган бўларди. Чунки, БМТ иштирокида бундай мураккаб давлатлараро ва миллий-этник низоларни бартараф этишнинг аҳамияти катта. Бунинг устига бу муаммо ҳал бўлса, ўз-ўзидан Туркияни Европа Иттифоқига қабул қилиш учун йўл очилади.

Шундай қилиб, халқаро ҳамжамият референдумга умид қилиб турган бир пайтда томонлар БМТ режасини инкор этаётганликлари кутилмаган ҳолат бўлди. Тассос Пападопулоснинг фикрича, бу режанинг қабул қилиниши кипрлик грекларнинг ҳуқуқлари, тарихий ҳамда маънавий қадриятларига зид эмиш. Рауф Денкташ эса режани амалга ошириш оролнинг шимолида кипрлик турклар давлатини тугатишга олиб келиши мумкин, деган фикрни айтди.

Кузатувчиларнинг фикрича, референдумда кутилган натижага эришиш қийин. Кипрлик турклар ўз ҳудудларида Туркиянинг ҳарбий бўлинмалари чегараланмаган муддатда туришини талаб қилмоқдалар. Шунингдек, уларнинг бирлашиш жараёни бошланган тақдирда ҳам кипрлик грекларнинг шимол томонга кўчишларини чеклаш ҳақидаги талаблари ўз кучида қолмоқда.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида берилаётган хабарларга қараганда, ҳозир оролнинг шимол ва жануб томонларида аҳолининг турмуш даражалари турлича. Яъни, кипрлик туркларга қараганда кипрлик греклар бойроқ яшайдилар. Чунки, улар Европа давлатларининг ёрдамидан баҳраманд бўлишмоқда. Кимлардир агар Кипр шу йилнинг майида Европа Иттифоқига қабул қилинса, жанубдаги греклар яна ҳам бойиб кетишади, шимолдаги турклар эса қашшоқ ҳолида қолаверишади, деб тахмин қилишмоқда. Аслида бу хомхаёл. Европа Иттифоқининг талабларига ҳамма ҳам дош беравермайди. Европа Иттифоқига аъзоликни фақатгина имтиёз деб тушуниш нотўғри. Хориж оммавий ахборот воситаларининг ёзишларича, 1 май яқинлашган сари Кипр Республикасида сувнинг, ёнилғининг, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб боряпти. Сайёҳлик хизмат ҳақининг кўтарилиши кутилмоқда. Туризм мамлакат иқтисодига даромад келтираётган асосий тармоқлардан бири. Сайёҳлар келиши камайса, мамлакат катта иқтисодий зарар кўради. Европа Иттифоқига аъзо бўлганидан кейин Кипр янги тартиб-қоидага, янги нарх-навога, янги мезонларга амал қилишга мажбур.

Агар референдум муваффақият қозонмаса ва Кипр шимолдаги ҳудудларсиз бир томонлама Европа Иттифоқига қабул қилинса, унда Туркиянинг бу халқаро ташкилотга аъзо бўлиш имконияти чекланиб, унинг учун мураккаб вазият юзага келади. Умуман, бошқа номзодларга қараганда негадир Туркия олдига қўйилаётган шартлар оғирроққа ўхшайди. Шунга қарамасдан Туркия бу тўсиқларни енгиб ўтиб, Европа Иттифоқидан ўз муносиб ўрнини эгаллайди деб умид қиламиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## «ИМПИЧМЕНТДАН САҚЛАБ ҚОЛДИ»

Жанубий Корея сайловчилари «демократияни ва оғир синовларга рўбарў бўлиши кутилаётган мамлакат Президентини импичментдан сақлаб қолди» дея баёнот берди Ури партияси етакчиси Чанг Дон Янг.

Парламент сайловлари куни exit polls ўзига хос сўров ўтказди. Унда маълум бўлишича, аввал ҳукумат тепасида турган Ури партияси катта фарқ билан сайловда ғолибликни қўлга киритган.

Чанг Дон Янгнинг гапларига қараганда, мухолиф кучлар энди Президент Но Му Хенга импичмент қўллаш масаласи бўйича парламент қўллаб-қувватловини таъминлай олмайдилар, дейилади Reuters ахборотида.

## НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ 13 ИЮНГА БЕЛГИЛАНДИ

Литва сейми навбатдан ташқари Президент сайловини шу йил 13 июнда ўтказишга қарор қилди.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, шу куни Литвада Европарламентга ҳам сайловлар бўлиб ўтади.

Маълумки, давлат бошлиғи Роландас Паксасга нисбатан 6 апрелда импичмент қўлланиши натижасида лавозимдан бўшатилган эди. Яқинда сейм «Президент тўғрисида қонун»га ўзгартиришлар киритди. Унга кўра, президентликка номзодлар кўрсатиш сайлов куни белгиланганлиги ҳақидаги сейм қарори кучга кирганидан сўнг бошланади ва сайлов кунидан 45 кун аввал бу жараён тўхтатилади.

Президентликка номзодини қўядиганлар ҳам деярли аниқ бўлиб қолди. Улар: Литва сейми спикери вазифасини бажарувчи Чесловас Юршенас (социал-демократлар қўллаб-қувватламоқда), собиқ экс-президент Валдас Адамкус (консерваторлар ва либерал-центристлар унинг номзодини кўрсатишни мўлжалаб турибдилар) ва собиқ экс-президент Роландас Паксаслар бўлиши мумкин.

Пайшанба куни Литва сейми Роландас Паксас ҳам ўз номзодини қўйиши мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳақда Россиянинг НТВ телеканали хабар тарқатди.

Яна шуни айтиш лозимки, сейм Конституция ва қасамни бузган шахсларнинг президентликка номзодини қўйишини тақиқлаш тўғрисида қонунга ўзгартиришлар киритилишини рад этди.

## ОЛИЙ РАДА НОМЗОДНИ ТАНЛАДИ

Украина Олий радаси кўпчилик овоз билан президентликка ягона номзодни танлади. У мамлакат бош вазири Виктор Януковичдир. Унинг номзодини илгари суриш ҳақида партиялар ва парламент фракциялари раҳбарлари учрашувида келишиб олинди. Бу учрашувда Украинанинг амалдаги Президенти Леонид Кучма ҳам иштирок этди.

Мамлакат Конституциясига биноан Президент сайлови шу йил 31 октябрда бўлади.

**ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО**

**«TOSHKENT GURUCH»**

Сообщение 09. Решение общего собрания
вид общего собрания — отчётное
место проведения — г.Ташкент, ул.М.Ашрафи, 106
форма проведения — очное
дата проведения — 06.04.2004г.
кворум — 42117штук, 87,4% голосующих акций
Общее собрание акционеров постановило:

1. Заслушав отчёт Наблюдательного совета по итогам работы за 2003 г. утвердить протоколы Наблюдательного совета за № 1-14 за 2003-2004 год.
2. Утвердить годовой отчёт о финансово-хозяйственной деятельности общества за 2003 г.
3. Принять к сведению отчёты Ревизионной комиссии и аудитора общества по проверке финансово-хозяйственной деятельности общества за 2003 г.
4. Утвердить годовой бухгалтерский баланс и счёта прибылей за 2003 год.
5. Утвердить годовой бизнес-план общества на 2004 финансовый год.
6. Утвердить аудиторскую организацию «Дунё аудит» аудитором общества на 2004 финансовый год и предельного размера ее услуг в размере 500 тыс. сум.
7. Утвердить распределение прибыли и выплаты дивидендов по итогам 2003 г. в размере 24382100 сум.
8. Внести изменения и дополнения в Устав общества.
9. Утвердить положения общества «Об общем собрании акционеров», «О Наблюдательном совете», «О Исполнительном органе», «О ревизионной комиссии», «О счётной комиссии» в новой редакции.
10. Перепрофилировать часть рисоцеха, осуществить монтаж мельницы мощностью 100 тн/сутки и приобретение мельничного оборудования стоимостью 400 млн. сум. В случае надобности выставить в залог имущество общества.
11. Утвердить состав членов Наблюдательного совета общества.
   1. Алиев С.М.
   2. Акилханов О.Б.
   3. Капелев С.В.
   4. Волосатова В.П.
   5. Юлдашбаев С.А.
12. Утвердить состав членов Ревизионной комиссии общества
   1. Пронина И.В.
   2. Ким Н.Ф.
   3. Колесникова В.Д.
13. Исполнительному органу принять решения общего собрания акционеров к исполнению.

**Сообщение 05. Выплата дохода по ценным бумагам**
Прибыль для выплаты дивидендов — 24382100 сум.
По простым акциям 48181 шт — 24090500 сум (500 сум на одну акцию)
По привилегированным 486 шт — 291600 сум (600 сум на одну акцию)

**Сообщение 10. Изменения в персональном составе должностных лиц**
Решением Наблюдательного совета протокол №14 от 27 февраля 2004 г. прекращены полномочия члена совета правления Ашурова М.А., назначен членом совета правления Юсупов Ё.Н.

**Наблюдательный совет ОАО «Toshkent guruch»**

Тошкент Молия институти томонидан 1998 йилда Худойбердиев Абдиманнон Рашидович номига берилган №219306 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги олдидан**

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Камтаринлик, оддийлик, самимийлик Муҳаммад Юсуфнинг пешонасини яракълатди. Ўзбек халқининг энг севимли ва ардоқли шоирларидан бирига айлантирди. У гарчи маъюс, ўйчан боқса-да, кўзларида нур бор эди. Бу ўйчанлик шеър дарди эди, кўзларидаги нур эса маъюс хаёллар оғушида пишиб етилаётган ва қоғозга тушиши керак бўлган нурли мисралар эди.

У адабиётга атак-чечак қилиб эмас, жуда тез, шиддат билан кириб келди. Ҳаммани лолу ҳайрон қолдириб, мухлислар оғзига тушди. Унинг ёзганлари ҳали сиёҳи қотиб улгурмай қўлма-қўл бўлиб кетди, матбуотда эълон қилинмай туриб қўшиқчилар тилига тушди, мусиқашуносларга илҳом бағишлади.

Муҳаммад Юсуфнинг ёзганлари ўзи каби жуда содда, равон, лекин ўта халқчил эди. Бир қарашда жўнгина кўринган мисраларда олам-олам маъно ва мазмун бор эди. Ўша жўнгина мисралар ҳаяжонсиз ўқилмасди.

**Муҳаббатим, қайдасан қалб ардоғим,**
**Жайронкўзим, қирларда қолган оҳим.**
**Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,**
**Энди сени излаб қайдан топарман...**

Қани айтинг, муҳаббатни соддагина тилда бундан ўтказиб тасвирлаш мумкинми? Ёки

**Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,**
**Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам...**
**Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам —**
**Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...**

Онанинг фарзандга бўлган меҳрини бундан ортиқ таърифлаб бўладими? Мустақилликнинг илк кунларида ёзилган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» деган шеърини олайлик. Юртга бўлган меҳр-муҳаббатни шу қадар содда, равон тилда ким ифода эта олади? Бунинг учун фақат Муҳаммад Юсуф бўлиш керак. Балки шунданми йиллар ўтса ҳамки, бу шеър худди куни кеча ёзилгандек ўз долзарблигини йўқотмай, эл севган хонандалар оғзидан тушмай келаётир.

Муҳаммад Юсуф «Тошкент оқшоми» таҳририятида ишлаб юрган кезларда Мақсад Яхшиев номи билан газета саҳифаларида танқидий луқмалар, бир қатор қатра ва мақолалар пайдо бўлди. Кейин билсак уларнинг муаллифи Муҳаммаджон экан. Ўшанда ундан нима учун бундай тахаллус танлаганини сўраганимизда: «Мақсадим ўзимнинг шу мўъжаз чиқишларим билан одамларга яхшилик қилиш» деган жавобни берган эди. Шунга ҳам агар янглишмасам 20 йиллар чамаси бўлди. Ўшандан бери Муҳаммад Юсуф кундалик ҳаётида, ўз шеърларида фақат одамларга яхшилик қилиб келди.

Унинг ноёб қобилиятига устоз адиблар, адабиётшунослар, номдор ҳофизлар тан беришган. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли олим Озод Шарафиддинов шундай эслайди: «Муҳаммад Юсуф Худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг «Кўклам» шеъри тўғрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсирланиб кетдими, ичкари хонага кириб кетди-да, 10-15 дақиқа ўтгач чиқиб, қўлимга «Кўкламойим» шеърини тутқазди. Уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетганди ўшанда».

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова эса шоир ҳақидаги таассуротларини шундай баён қилади: «Муҳаммад Юсуф шеърлари орқали нафақат ўзини, балки қанча-қанча ҳофизларни, хонандаларни элга танитди. Шоирнинг ҳар бир сўзи шеър эди. Унинг «Ўзбекистон» шеърини бир эсланг-а! Қандай гўзал, жозибали, кучли қўшиқ бўлди. Ҳатто ёшлар гимнига айланиб кетди».

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мухриддин Ҳолиқов (марҳум) Муҳаммад Юсуфнинг «Қизғалдоқ» шеъри ёзилиши тарихини қизиқарли таърифлаганди: «Ўшанда шоир билан тоққа дам олишга чиққандик. Ҳаммамиз ўзимиз билан бандмиз. Бир маҳал Муҳаммад ака бир ўзлари четда хаёлга берилиб ўтирибдилар. Ёнларига бориб: «Ҳа, ака, нималарни ўйлаяпсиз?» деб сўрадим. У: «Мухриддин, қара, анови қизғалдоқ менга тинчлик бермаяпти. Ўпай десам пешонаси йўқ, узай десам тўкилиб кетади. Бир шеър ёзсам, қўшиқ қиласанми?» дедилар. Кейинроқ ҳаммага машҳур «Қизғалдоқ» қўшиғи яратилди.

Муҳаммад Юсуф гарчи қисқа умр кечирса-да, ўзидан бир олам мангуликка дахлдор шеърий мисраларни қолдириб кетди. Ўзининг мазмундор шеърлари, бетакрор ижод намуналари билан эл оғзига тушди. Унинг меҳнати юксак қадрланди. Ўзбекистон халқ шоири деган шарафли номга сазовор бўлди. Олий Мажлис депутати сифатида фаолият кўрсатди.

Бу чексиз уммонда ҳаёт билан ўлим ёнма-ён юришини баъзан хаёлимизга келтирмаймиз. Кечагина ёнгинамизда турган инсон бевақт ўлим туфайли орамизни тарк этса ўйланиб қоламиз, хаёлга толамиз. Қандайдир унга айтилмай қолган сўзларимиз дилимиз тубида қолиб кетгандек туюлади.



**Маъюс куним кўзим тушса,**
**Куяр осмон, тушунмайсан.**
**Сени само тушунгайдир —**
**Сен, эй инсон, тушунмайсан.**
**Куйиб кўксим ўтар бўлсам,**
**Оқар бўлсам, кетар бўлсам.**
**Мени дарё тушунгайдир,**
**Сен, эй уммон, тушунмайсан.**

Ҳар гал Муҳаммад Юсуфнинг шу шеърини ўқиганимда юқоридаги сўзлар хаёлимга келаверади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш борасидаги катта хизматларини, адабиётимиз ва санъатимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссасини инобатга олиб «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ўксик кўнгилларга таскин беради. Ҳукуматимизнинг эъзозли шоирга бўлган бу ҳурмат-эътибори дилда қолган армонларимизни яна бир бор баралла айтишимизга имкон яратди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

## ОЛИМНИ ХОТИРЛАБ

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университетида Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор марҳум Ғулом Каримов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов кириш сўзи билан очди. У олимнинг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида гапириб, университетнинг филология факультети шаклланишида Ғулом Каримовнинг ҳам хизматлари катта эканлиги, мумтоз адабиётимизнинг ҳақиқий жонкуяри, моҳир тадқиқотчиси бўлганлиги, талабаларга чуқур билим беришни ўз виждоний бурчи деб билгани хусусида фикр юритди. Бундай инсонлар ёшларимиз учун ибрат мактаби эканлигини таъкидлади.

Анжуманда Ғулом Каримовнинг мумтоз адабиётимиз ҳақидаги китоблари, мақолалари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани, уларнинг айримларини қайтадан нашр этиш кераклиги айтиб ўтилди.

**Маъмуржон МАҲМУД**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ОЗОДЛИК — ОБОДЛИК

Инсоният қадим-қадимдан озодликни улуғлаб, эъзозлаб, озодлик, мустақиллик учун курашиб келгани, ажнабийлар зулмидан, тутқунликдан озод бўлган, мустақилликка эришган элу юртларнинг гуллаб-яшнагани, обод бўлгани тарихдан маълум. Мазкур мақол билан шуни қисқагина, аммо ниҳоятда чуқур маъноли қилиб ифода этганлар.

### ОЙ — ОШИҚНИНГ ЙЎЛДОШИ

«Ой — ёлғизнинг сирдоши, ўйчиларнинг ўйдоши, ошиқларнинг мунгдоши, йўлчиларнинг йўлдоши»; «Ойдинда оқсоқ ҳам сайр қилгиси келади»; «Ойдинда ит пўстак талашар»; «Ою юлдуз кўкка ярашар»; «Ой сулуви — нур, Сой сулуви — сув»; «Ойнинг тўлиқлигидан офтобнинг зарраси ўткир»; «Ой бўлмаса, ақл озади, Кун бўлмаса, кўнгилни кир босади».

## САИДА АФИНАГА БОРАДИ

**Спорт**



Душанбе (Тожикистон)да стол тенниси бўйича XXVIII ёзги олимпиадага йўлланма берувчи халқаро турнир ниҳоясига етди. Дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатлари спортчилари қатнашган ушбу мусобақада кичик ракеткачиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Унда айниқса, умидли спортчимиз Саида Бурхонхўжаеванинг қўлга киритган натижаси таҳсинга сазовор. Турнирда ҳамюртимиз барча рақибларини мағлубиятга учратиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади ва мусобақа низомига кўра, олимпиада йўлланмасига муносиб топилди. Диққатга сазовор томони, кичик ракетка устаси Саида Бурхонхўжаева ўзбек спорти тарихида биринчи маротаба стол тенниси бўйича Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчи бўлди.

Осиё чемпионлар лигаси учинчи тур — «Пахтакор» — «Ал-Риффа» (Баҳрайн) ҳамда «Нефтчи» — «Ал-Араби» (Қувайт) жамоалари учрашувлари номаълум муддатларга кўчирилганлигини илгари хабар қилгандик.

## УЧРАШУВ КУНЛАРИ АНИҚ

Ўзбекистон Футбол федерациясидан олинган сўнгги маълумотларга қараганда, ОФК қолдирилган юқоридаги ўйинларнинг янги муддатини белгилаган. Унга кўра, «Пахтакор» — «Ал-Риффа» учрашуви 27 апрель ва «Нефтчи» — «Ал-Араби» баҳси эса 28 апрелда ўтадиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, тақвим бўйича вакилларимиз мусобақанинг тўртинчи тур ўйинларини 21 апрель куни сафарда Баҳрайн ва Қувайт жамоаларига қарши ўтказишади.

## «ПАХТАКОР»НИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ




Футбол бўйича Ўзбекистон XIII миллий чемпионати баҳслари турдан-турга қизиб бормоқда. 15 апрель куни «Пахтакор» — «Навбаҳор» жамоалари ўйини билан олтинчи тур учрашувларига старт берилди.

Нафақат турнинг, балки биринчи давранинг энг марказий баҳси саналган бу ўйин барчада катта қизиқиш уйғотди. Наманганликлар гарчи мавсумни кўтаринки руҳда бошлаган бўлсалар-да, Тошкентда кўпчилик кутганидек «мўъжиза» ярата олишмади. Пахтакорчилар Леонид Кошелев (10-дақиқа) ҳамда Зайниддин Тожиев (45+3, 70)лар томонидан киритилган бир-биридан чиройли голлар эвазига асосий таъқибчиларидан йирик ҳисобда устун келди — 3:0.

Мухлислар кеча кечқурун эса Фарғонада ҳужумкор ва шиддатли кечган «Нефтчи» — «Насаф» жамоалари ўйинининг гувоҳи бўлишди. «Навбаҳор»нинг йирик ҳисобдаги мағлубиятидан унумли фойдаланган фарғоналиклар «Насаф» футболчиларини енгиб, чемпионат жадвалининг иккинчи поғонасига кўтарилиб олдилар — 1:0.

Олтинчи турнинг қолган уч учрашуви бугун уюштирилади. Унда «Сурхон» — «Сўғдиёна», «Локомотив» — «Бухоро», «Андижон» — «Трактор» жамоалари ўзаро куч синашадилар. 20 апрель куни Бекободда ўтадиган «Металлург» — «Самарқанд-Д» учрашуви билан 6-тур баҳслари поёнига етади.

**Эркин ХОЛБОБО**


# МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ!



*2004 йил 16 апрелдан* ***ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ*** *йўналиши бўйича қатнайдиган* ***«REGISTON»*** *тезюрар йўловчи поезди йўл чипталари нархи 30 фоизгача пасайтирилди.*

**Биз Сизга хизмат кўрсатаётганимиздан бахтиёрмиз!**

***Ҳурмат билан «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ.***






## «ШИФОКОР-НОН» ОАЖНИНГ МУҲИМ ФАКТЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

09-сонли ахборот.

Умумий йиғилиш қарори:

Навбатдаги очиқ умумий йиғилиш 2004 йил 27 март куни Тошкент шаҳри, Т.Каримов кўчаси, 11-уйда ўтказилди.

Умумий йиғилиш кворуми — 61,7%.

Кун тартибига қўйилган саволлар ва овоз бериш якунлари.

1. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан бошқарув раисининг ҳисоботи. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.
2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисининг 2003 йил иш фаолияти якуни бўйича ҳисоботи. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.
3. 2003 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.
4. Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш ва 2004 йилга аудиторни белгилаш. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.
5. 2004 йилга бизнес-режасини тасдиқлаш. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.
6. Жамиятнинг 2003 йил бўйича молиявий-хўжалик ҳисоботи. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.
7. Жамиятнинг 2003 йилдаги фойдасини тақсимлаш. Тасдиқланди. Тарафдорлар 97%, қарши 3%.
8. Жамият Кузатув кенгашига ўзгартириш киритиш ҳақида. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.
9. Жамият бошқарув раисини тасдиқлаш ҳақида. Тасдиқланди. Тарафдорлар 100%, қарши — йўқ.

10-сонли ахборот

Жамият мансабдор шахсларида ўзгаришлар тўғрисида

Кузатув кенгашига У.Баширов ва Б.Умаров сайланди. С.Раҳматуллаев ва Т.Шокиров Кузатув кенгаши аъзолигидан бўшатилди.

**Жамият Кузатув кенгаши**



## «TEMIRYO‘LTA‘MIN» ОАЖ

«Temiryo‘lta‘min» ОАЖ Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиллик мажлиси 2004 йил 18 май куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади: Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Проектная кўчаси, Г-24.

Акциядорларнинг йиллик умумий мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 13 апрелгача белгиланган реестр маълумотларига кўра тузилди.

Кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси ва акциядорларнинг умумий мажлисини ўтказиш тартибини тасдиқлаш.
2. «Temiryo‘lta‘min» ОАЖ бошқаруви раисининг жамиятнинг 2003 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва жамиятни 2004 йилда ривожлантириш бўйича бизнес-режани тасдиқлаш.
3. Йиллик ҳисоботни ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш. 2004 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссияси ҳисоботи.
5. 2003 йилдаги фойдани тақсимлаш.
6. Тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш.
7. Кузатув кенгашининг 2003 йилдаги ўтказилган тадбирлар натижалари ҳақидаги ҳисоботи.
8. Кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш.
9. Ижроия орган таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
10. Бошқарув раисининг 2004 йил учун фаолиятини давом эттириши тўғрисида қарор қабул қилиш.

Мажлис иштирокчиларини рўйхатга олиш юқорида кўрсатилган манзилда соат 10.00 да бошланади. Паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат мажлис иштирокчиси ёнида бўлиши шарт. Акциядорларнинг вакиллари нотариус тасдиқлаган ишонч қоғозига эга бўлишлари лозим. Акциядорларнинг вакиллари бўлмиш юридик шахслар жамият раҳбари томонидан тасдиқланган ишончномага эга бўлишлари шарт.

**Маълумотлар учун телефон: 58-72-00.**

**«TEMIRYO‘LTA‘MIN» ОАЖ Кузатув кенгаши**



## «КРЕДИТ — СТАНДАРТ»

**хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади. Мажлис 2004 йил 15 май соат 11.00 да банк биносида қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Қунаев кўчаси, 25. Рўйхатга олиш 10.00 да бошланади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Банкнинг 2003 йил фаолияти бўйича йиллик ҳисоботи.
2. 2003 йил якуни бўйича аудиторлик текшируви натижалари ҳисоботи.
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботи.
4. 2003 йил учун бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоби.
5. 2003 йилдаги фойда тақсимоти.
6. 2004 йил учун бизнес-режа, даромад ва харажатларни тасдиқлаш.
7. 2004 йил учун ташқи аудиторни аниқлаш.
8. Меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш.
9. Ташкилий масалалар (Бошқарув раиси ва аъзоларини тасдиқлаш).

***Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 132-24-32, 132-26-88.***



**«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» VA «RESPUBLIKA KO‘CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO‘LIMI»**
**масъулияти чекланган жамияти**

Биржа савдоларида туриб ўз харидорларини топмаган, бошланғич баҳоси — 990 286 сўм бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларини назорат қилиш миллий маркази ҳисобида бўлган ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобили кузови савдодан олинганлигини маълум қилади.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.***



## «НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ

Кузатув Кенгашининг қарорига биноан 2004 йил 29 апрель куни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси қуйидаги манзилда:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Наврўз даҳқон бозори» ОАЖ маъмурий биносида ўтказилади. Мажлиснинг бошланиш вақти соат 11.00 да. Акциядорлар соат 10.00 дан рўйхатдан ўтадилар.

КУН ТАРТИБИ:

«Наврўз деҳқон бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Мажлисда акциядорлар реестрининг 2004 йил 8 апрель ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

**Кузатув Кенгаши**



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA’DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Abdug’ani MAMASODIQOV** (Mas’ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***



**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



**Г — 564**
**10669 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 23.35*
1 2 3 4 6
**SOTUVDA ERKIN NARXDA**